



**ФИДОЙИЛИК УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТДИР**



**Собит АЛИМБОВЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси**  
**раисининг биринчи ўринбосари, божхона хизмати**  
**генерал-майори**

қилинишининг камайиши, экспорт божи бекор қилинганлиги, жумладан, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига ўтган йилда божхона тўловларидан 34,3 млрд. сўмликдан зиёдроқ имтиёзлар бериладиганига қарамадан бутун божхона тизимидеги самарали ишлар олиб борилиши натижасида, ўтган йилда божхона идоралари томонидан давлат бюджетига 38,5 млрд. сўм маблағ ўтказилди, йиллик истиқбол режа ортиги билан бажарилди.

Ноқонуний равишда республика ҳудудидан олиб ўтилганга ушлаб қолingan товарларнинг умумий қиймати сўмлик 2,5 млрд. сўмни ташкил этди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси чегарасидан 1,08 млн. АҚШ доллари, 2 минг немиш маркази ва 11,7 минг АҚШ доллари миқдорига тенг бошқа ҳорижий валюталарни ноқонуний равишда олиб ўтилишининг олди олинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 февралдаги 85-сонли, 1998 йил 15 майдаги 213-сонли, 1998 йил 21 майдаги 221-сонли, 1998 йил 2 июлдаги 275-сонли ҳамда 1998 йил 4 августдаги 331-сонли қарорлари талабларини бажариш мақсадида Давлат темир йўл акционерлик компанияси ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда бир қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида жами 2,4 млрд. сўмлик спирт, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини республика ҳудудидан ноқонуний олиб ўтилишининг олди олинди.

Шундан спирт - умумий қиймати (ўртача бозор нархи бўйича - 1 л 600 сўм ҳисобида) 1,8 млрд. сўмлик 3,1 млн. литр спирт маҳсулотларини ноқонуний олиб ўтилишининг олди олинди.

**Спиртли ичимликлар** бўйича умумий қиймати (ўртача бозор нархи бўйича - 1 л 500 сўм ҳисобида) 181,4 млн. сўмлик 362,8 минг литр спиртли ичимликлар ноқонуний олиб ўтилишининг олди олинди.

**Тамаки маҳсулотлари** бўйича умумий қиймати (ўртача бозор нархи бўйича - 1 кг 4,5 млн. сўм ҳисобида) 360 млн. сўмлик 4,5 млн. кути тамаки маҳсулотларининг ноқонуний равишда олиб ўтилишининг олди олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги экспорт қилиниши тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати тасдиқланган «Товарларни экспорт қилиши мумфиқлаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 1871-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 15 декабрдаги 604-сонли, 1998 йил 4 сентябрдаги 378-сонли ва 1998 йил 25 ноябрдаги 490-63-сонли қарорлари талабларининг ижросини таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирлар натижасида 1998

йил давомида жами 869 тоннадан зиёд-роқ озиқ-овқат (дон, нон, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, ун ва ёрма, куруқ сут, ўсимлик ёғи ҳамда чой) маҳсулотларини республикамиз ҳудудидан четга ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилишининг олди олинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбариятининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан **чорра моллари, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг** ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш борасида 1998 йилнинг 27 июли кунин Давлат божхона қўмитаси томонидан 227-сонли буйруғи ишлаб чиқилди. Шунга асосан махсус тадбирлар амалга оширилди ва ҳозирги кунда ҳам давлат эттирил-моқда.

Давлат божхона чегараларининг ноқонуний равишда тўғридан моддаларнинг олиб ўтилиши юзасидан 309 та ҳолат

тимой-маънавий чора-тадбирлар мажмуи уз ичига олган хизмат соҳаси ҳисобланади.

**Кадрлар сийёсатининг мақсади** - зарурий ҳодимлар мағнабини шакллантириш ва божхона идоралари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ҳодимлар фаолияти самаралорининг таъминланганлиги асосидир.

Божхона хизмати ишининг самаралорини, ақсарий ҳодимларнинг иш-корлик кўрсаткичи ва малакасига боғлиқ. Шу мақсадда божхона идоралари тизимини янгилаш, кадрлар танлови, текширув ва касбий яроқлилигини аниқлашда замонавий усуллари жорий этиш, кадрларни жой-жойига қўйиши тақомиллаштириш, божхона идоралари харажатларини қисқартириш, уларнинг ташкилий тузилмаси учун қўлай шaroит яратиш ва илмий жиҳатдан асосланган идоралар ва тармақларга меҳнат мезбонини жорий этиш борасида қўшимча чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда ва бу йўналишда қатор муаммолар ҳам маъжуд.

Шу ўринда юртбошимизнинг яқинда халқ депутатлари Самарқанд, Намангон ва Тошкент вилоятлари кенашларида, шунингдек, матбуотда эълон қилинган суҳбатларида билдирган баъзи фикрларига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Бугунги текзор давр олдими-га қўйётган долзарб вазифаларнинг энг самарали ечимини топиш учун ҳамма соҳаларда фидойилар сафларини кен-

*Bojxona sarhadlarida*

**ОСТОНАМИЗ БЕЖОҒЛИК**

Божхона тизими бизнинг Шарқ, хуёсан сон-саноксиз карвонлар ўтган юртимиз учун янгилик эмас. Тарихи-мизда дорилмомон даврлар кечган, юрда доно, одил ва тadbirkор амирлар ҳукмронлик қилган пайтларда мамлакатта кириб келатган юк, чиқиб кетатган мол-мулкнинг ҳисоб-китоби, қонун-қоидаси бўлган. Уларнинг тўла-тўқис бажарилиши таъминланган. Масалан, соҳиб-қирон Амир Темур ҳазратлари ҳукмронлик қилган даврларида давлат чегаралари ва карвонларнинг кириш-чиқиб жойларига эл-юртга содиқ юрт манфаатларини шахсий манфаатларидан устун тутиб билиш ҳалол ва ботир йигитлар қўйилган. Улар ўша пайтларда ҳам учраб турувчи «учар»ларнинг нафсини қитиқловчи қутқуларига учмаётган. Давлат ва фуқаро манфаати учун жонларини фидо қилганлар.

қондузнинг фарқи кам. Исталган пайтда шогилини хабар келиб қолиши мумкин. Назорат қисми энг замонавий асбоб ва ускуналар билан жиҳозланган. Бугун тизим қафдаги «қўриқ» турди. Умумий вазият узлуксиз назорат остида.

Исталган божхона масканларимиз билан бир лаҳзада боғланиб, аҳолини билиб олиш мумкин, - дейди навбатчилик қисмининг бошлиғи, божхона хизмати подполковниги Элмурод Шакарнов. - Ҳозиргина мана бу хабарни олдик. «Эшонобод» чегара божхона пости ҳодимлари томонидан Янгийўл туманидаги «Умид» паррандачилик қорхонаси яқинидаги айланма йўл орқали кетётган ЗИЛ-131 русумли автоулов тўхтади божхона қўриғидан ўтказилганда, Англияда ишлаб чиқарилган 6 тоннага яқин, умумий қиймати 1 миллион 565 миң сўмлик товарлар борлиги аниқланди. Бу мулк божхона назоратидан яширинча олиб ўтилганда тўхтади. Навбатчилик қисми олинган маълумот асосида текзор гуруҳ ташкил этиб, қонунбузарлик ҳолати содир этилган жойга уларнинг ўз вақтида этиб бориши таъминланди.

- Бу ишда энг муҳими - тезкорлик, - дейди божхона инспектори Бахтиёр Очилов. - Озгина бўш келсанг, бир минут ҳаёлласанг тамом, «учарлар ўлиб» кетишади.

Навбатчилик қисми катта инспектори божхона хизмати майори Ҳамидулла Ҳабидуллаев ва инспектор Аброр Азизовларнинг ишбилмармонликлари, маълумотларни тезда мушоҳада этиб, керакли қораларни қўриқда тadbirkорлик қилатганлари таҳсинга сазовор бўлмоқда.

Халқимизда «Ойла - остонадан бошланади» деган гап бор. Юрт остонаси эса чегараларимиздан бошланади. Божхона пости ҳам муқаддас остонамизdir. Бугун вилоят божхоначилари элимиз олдида ёруғ юз билан остонамиз бежорлик дег оладилар.

**Ботир ХУСАНБОВЕВ,**  
**Тошкент вилояти божхона**  
**бошқармаси, божхона**  
**хизмати лейтенанти**  
Суратда: Тошкент вилояти божхона бошқармаси навбатчилик қисмининг ҳодимлари Х. Ҳабидуллаев ва Б. Очиловлар иш устида.



**БОЖХОНА СИЁСАТИ - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ**

Махсус саҳифа

(1997 йилда 433 та ҳолатда 872 кг. 319 гр.) аниқланган. Аммо аниқланган ҳолатлар соғи 1997 йилдадан кам бўлма-ди, ушлаб қолingan тўхтаган молларнинг таъини. Давлатимиз раҳбари вужудга келатган янги сийёсий куч - фидойилар харақатига ана шундай баҳо ва таъриф берилди. Демак, бизнинг кадрлар борасидаги фаолиятимиз Ватан қисматины ўз қисмати деб билувчи, мамлакатимиз эртанги кунги масъулиятини ўз зиммасига ола билувчи, халқ манфаати учун фидойиларни етиштириш ва танлашга қаратилмоғи керак.

Ўз-ўзидан савол туғилди. Божхона хизматидаги фидолик деганда нималарни тушунишимиз керак? Умуман, фидоликнинг аниқ бир таърифи борми? Бизнингча, фидолик - бу йилмон ва аввало миллий, бинобарин, умуминсоний этиқод. Яъни инсоф, виждон ва тўғри яшашга интилиш демакдир. Ҳибатта бефарқ қарамаслик, унга қарши жасорат билан қўришиш, эъзуликни қўллаб-қувватлаш ва ундан шаксий манфаат қўзламамасликдир. Яна фидолик - ўз оиласига, фарзандларига гамқўрлик қилиш, уларни билан таъминлашга интилишдир, деб биламиз. Бундай тушуниш ҳар бир ҳодим оғига etkazиб борилиши ва синдирилиши ҳозирги куннинг долзарб талабидир.

**Кадрлар сийёсати** - бу Ўзбекистон Республикаси божхона хизмати фаолиятини малакали ҳодимлар билан таъминлашга қаратилган ва мувофиқлаштирилган ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув, иж-

гайитишимизни талаб этмоқда. Давлат ўзининг стратегик мақсадларини аниқлаётган ва амалга ошираётганда жамиятда муважасамлашган кучларга таянади. Давлатимиз раҳбари вужудга келатган янги сийёсий куч - фидойилар харақатига ана шундай баҳо ва таъриф берилди. Демак, бизнинг кадрлар борасидаги фаолиятимиз Ватан қисматины ўз қисмати деб билувчи, мамлакатимиз эртанги кунги масъулиятини ўз зиммасига ола билувчи, халқ манфаати учун фидойиларни етиштириш ва танлашга қаратилмоғи керак.

Ўз-ўзидан савол туғилди. Божхона хизматидаги фидолик деганда нималарни тушунишимиз керак? Умуман, фидоликнинг аниқ бир таърифи борми? Бизнингча, фидолик - бу йилмон ва аввало миллий, бинобарин, умуминсоний этиқод. Яъни инсоф, виждон ва тўғри яшашга интилиш демакдир. Ҳибатта бефарқ қарамаслик, унга қарши жасорат билан қўришиш, эъзуликни қўллаб-қувватлаш ва ундан шаксий манфаат қўзламамасликдир. Яна фидолик - ўз оиласига, фарзандларига гамқўрлик қилиш, уларни билан таъминлашга интилишдир, деб биламиз. Бундай тушуниш ҳар бир ҳодим оғига etkazиб борилиши ва синдирилиши ҳозирги куннинг долзарб талабидир.

Биз Тошкент вилояти божхона тизимининг 21 та «лар-воза»си борлигини биламиз. Хўш, улар қандай болган? Ишининг умумий мутаносиблиги маъжудми, деган саволларга жавоб топиш ниятида Тошкент вилояти божхона бошқармаси навбатчилик қисмида бўлдик. Бу ерда иш доимо кизгин. Кеча билан



**Raqamlar tilga kirganda:**

Жизжа вилояти божхона бошқармаси ва вилоят Миллий Ҳавфсизлик хизмати бошқармаси ҳодимлари томонидан Қозғонист Республикаси фуқаролари Р.Ш. ва Т.А.лар бошқарувидаги КамАЗ-5310 ва 5410 русумли, давлат белгилари X 842 АДМ ва 3 25-00 ЧМ бўлган автоуловлар назоратдан ўтказилганда, фуқаро Б.И.га тегишли 700 дона йиринк шохли ва 900 дона майда шохли мол териларидан **ташқари 23000 АҚШ долларилик, жами 17 тонна миқдордаги пахта толаси** ҳеч қандай ҳужжатсиз терилар остига яширилган ҳолда Алматы шаҳрига олиб кетилаётганлиги аниқланди.

Андижон вилоятининг 5-сонли «Хопобод» божхона маскани ҳодимлари томонидан «ЗИЛ-130» русумли, давлат белгиси 28-84 ОШП автоулови божхона қўриғидан ўтказилганда, Қарғиштон Республикаси фуқароси, автоулов бошқарувчиси М.А. томонидан **Қўқон жаҳон бозоридан ҳар бир кило-сининг 87 сўмдан жами 11035 кг. уму-мий нархи 960045 сўмлик шакарни сотиб олиб, ҳеч қандай ҳужжатсиз но-қонуний равишда олиб кетиётганлиги аниқланди.**

...«Амударё» божхона маскани мамлакатимизнинг серкертган йўллари ёқасига жойлашмаган. Бироқ худуд ўз жугрофия қўриғига қўра божхона кузатувлари учун мураккаб масканда жойлашган. Йул ва сўқмоқларни саннаб адоғига етолмайсан. Ҳар қила мустақил юрт сарҳадлари кўп жойларда аҳоли пунктлари рига улашиб кетган. 105 кило-метрлик масофа бўйлаб қўзғилган маъжур худуд атиги 6 жойдаги постлар орқали назорат қилинади. Катта-кичик-кичик барча йўл-манзиллар эътиборда ва назорат тўғрисида даркор. Аса ҳолда элимиз бойликларини ёмон қўлар назари-да билан муаммолар соҳиб: бошлиқ Холбой Эшнӣёзов - ҳуқуқшунос, катта назоратчи Баҳром Юсупов - муҳандис,

Ҳайитбой Бекмонов - иқтисодчи. Боз устига бари божхоначилик бўйича ҳам ўқиб малака ортиришган. Иш натижасида ҳам шунга монанд. Ўтган йил мобайнида ушлаб қолingan ва пировардида юртимизга қайтарилган мол ва моддий бойликларнинг қиймати 1997 йилдагидан қариб уч баравар ортиб, 650 миң сўмликка етгани фикримиз далилидир. Божхонавий фаолиятнинг бошқа барча қўриқ-қичқилари бўйича ҳам ижобий бурилишга эришилди. Биргина ушбу масканнинг ўзи элимизга ўтган йил давомида 12,1 миллион сўмлик иқтисодий наф келтирди. Энди бу маб-лағлар юртимиз рагнақи ва рўшнוליғига хизмат қилади. Эришилган натижаларга разм соларканмиз, халқимиздан «Э, қойил, божхоначилар», деган фикр келди.

**Абдулла СОБИРОВ,**  
**«Инсон ва қонун»**  
**муамбири**

**Raqamlar tilga kirganda:**  
**ЎТГАН ЙИЛ «ҲОСИЛ»И**

Сурхондарё вилоятининг 2-сонли Сарғосиё божхона назоратини ўтказиш комплексида, Тожикистон фуқаролари бўлган Б.А., Х.Н. ва рус мила-латига мансуб К.И.ларга тегиш-ли бўлган «МАЗ-516» русумли, давлат белгиси Т 25-80 ДБ юк автоулови божхона қўриғидан ўтказилганда, Душанбе шаҳар божхона бошқармаси томонидан расмий-лаштирилган ва қонуний ра-вишда Россия Федерациясига олиб кетилган жами 9 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсу-лотларидан ташқари яширин равишда олиб кетилаётган 2 ўрам целлофан пакетларга жойланган 250 гр. «Герон», 57 ўрам ўтқар хилди туқ жегар риванг 70 кг. 198 гр. «Оний», 191 ўрамда 92 кг. 423 гр. «Ганши» - жами 162 кг. 826 грамм сўқандлик мод-длари топилиди ва ушлаб қоланди.

томонидан жами 20000 кг. тах-минан нархи 160000 сўмлик ам-лимак селатрасини ноқонуний ра-вишда олиб кетилаётганлиги аниқланди.

\*\*\*  
«Тошкент-Аэро» ИБМ ҳо-димлари томонидан «Тошкент-Алеппо» (Сурия) йўналиши бўйича 3515-рейс билан учали-ган, борт рақами 85272, ТУ-154 тайёрасида ўтказилган тadbirkор натижасида, тайёранинг орқа қисмидаги 3-булимиде яширин-ган ва полиэтилен хўжалик сум-касига жойлаштирилиб, ескоб билан ўралган, божхона назо-ратидан яширилган **395171 АҚШ доллари** борлиги аниқлан-ди.

Тошкент вилояти Божхона бошқармаси ҳодимлари томони-да Қозғонист Республикасига чегарадои «Туркистон» божхо-на пости атрофида Қозғонист Республикаси фуқаролари Х.А. бошқарувидаги «ПАЗ-672» русум-ли, давлат белгиси X 719 ВВМ, П.А. бошқарувидаги «ПАЗ-672» русумли, давлат белгиси X783 АХМ ва Б.Е. бошқарувидаги «ПАЗ-672» русумли, давлат бел-гиси X 793 АГ бўлган автоуло-лар тўхталиб, текширув ўтказилганда, уларда жами 2.100.000 сўмлик тўрт хил **олиқ-истеъмол моллари ва озиқ-ов-қат маҳсулотларини** ҳеч бир ҳужжатсиз, ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётганлиги аниқланди.

\*\*\*  
Сурдарё вилояти 5-сонли «Мирзобод» божхона маска-ни ҳодимлари томонидан Қоз-ғонист Республикасига ўтаёт-ган «КамАЗ-5320» русумли, давлат белгиси 67-60 СИО ва давлат белгиси 25-81 СИМ авто-уловлари тўхталиганда, ҳайдовчилар Б.П. ва А.Ж.лар



СУРАТДА: Сурхондарё вилояти божхона бошқармасига қарашли божхона постининг назир республикамиздан олиб чиқиб кетилаётган ёнгили ташиш воситасини текширувдан ўтказмоқда.

Қорақалпоғистонда узоқ-яқин, эгри ва тўғри, чекка ва хилват йўл-сўқмоқлар ниҳоятда кўп. Қуриб, гувоҳ бўлдикки, ҳар йўлнинг ўз «соҳиб»лари бор экан. Чунончи, катта ва равои йўллардан «Ошиғи ҳалол бўлса, қўчада ич» мақолига, эгри-бугри «ёси хилват йўллардан эса «ўнг кўзинг кўрганни чап кўзинг кўрмасин» нақлига амал қилу-чилар юраркан. Ана шу «эгри ва тўғри» йўлларини божхоначи-лар назорат қилишди. Республи-ка йўллари унинг мингларча чақиримга чўзилган сарҳадлари орқали ўтиб, кетувчиларни дий-римизга, кетувчиларни эса Туркманистон ва Қозғонистон-нинг беадал чўл-бўёнларини, саҳроларига бошлайдди.

- Ана шу улкан сарҳаднинг Туркманистонга туташ 105 кило-метрлик бўлаги 13 кишидан иборат кичик жамоамиз назо-ратда, - дейди 7-сонли «Аму-дарё» божхона маскани бош-лиғи, соҳа хизмати майори Хол-бой Эшнӣёзов. - Худудимизда катта ва равои йўлларга қара-ганда «Кўш учса қаноти, одам юрса оёғи қуялган» пастқам йўл-сўқмоқлар кўпроқ. Қўқорид-ла айтилгандай, ҳар қийнинг ўз «йўли» бор. Аммо божхона-чилар ҳам аноймас. Қийнинг қай йўлдан юришини яқин би-лишди.

**Қонун ва ијро**  
**«СИЧҚОН-МУШУҚ» ҲИНИ**

аниқлашди. Юк эгаси Амударё туманидаги «Мангит» жамоа хўжалигида ишочи Х.Абдуллаев энди ҳуфи молнинг қай-шига умид боғламаса ҳам булар-верди. Чунки ўзбекистон Республикаси «Мамурий жа-вобарлик тўғрисида»ги Коллек-сининг 227-моддасига биноан давлат фойдасига алпақочни хал-лаб қўйилган. Божхоначилар бу билан ҳам кифояланмади. Қондабазар «tadbirkor» мўмайна миқдордаги жарима билан қўтлди.

Қўрапосиқ, республика-миздан олиб кетилаётган хал-лоқ бўлганларнинг асосий қисми озиқ-овқат маҳсулотла-ри, - дейди қўқонб, божхона-чилар раҳбари Холбой Эшнӣё-зов. - Бунинг сабаби юртимиз-да етиштирилетган ноз-неъмат-ларнинг арзон-гаровлиги. Но-қонуний равишда ташқаридан олиб келинадиган мол ва маҳ-сулотлар ҳам бор, - дейди у. Сўз-да давом этиб, - улар асо-ан тўғри сиргетлар, истеъмол муддатини ўтган ва деярли ноке-рак ҳисобланган сақич, печенье, кофе, шоколад каби маҳсу-лотларdir.

Божхоначилар кўни-кеча

Саҳифани Давлат божхона қўмитаси матбуот бўлими ҳодими Бахтиёр ҲАЙДАРОВ ва «Инсон ва қонун» махсус муҳбири Орткибой ХУДОЙБЕРДИЕВлар тайёрлашди.

**Маълумки, кейинги вақтларда адвокатларнинг нуфузини ошириш, ижтимоий ҳимоялаш борасида талай ишлар қилинмоқда.**  
**Муҳаббат Тошкент шаҳар, Наовий кўчаси, 3-уйда жойлашган махсус адвокатлар ҳуқуқий маслаҳатхона ҳимоячиси Тўлаган ака ХОНХУЖАЕВ билан айрим мулоҳазалар юзасидан суҳбатлашдик.**

- Аввало, суд ва адлия соҳасида қарийб ярим асрлик иш фаолиятингиз билан табриклиман. Кейинги вақтларда рўнома-ларимиз айрим адвокатларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини пиймол бўлаётганини кўпроқ ёритаётимиз. Бунинг устига Олий Мажлис адвокатларнинг муҳофазаси ҳақида қонун қабул қилди. Бу тадбирлар келгусида адвокатлар фаолиятини жонлантиришга олиб келади, дея оласизми?

- Саволинга олдиндан узиб-кесиб жавоб беролмайман. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, қонун қабул қилиниши, бу ишнинг ярмиси, ҳамма гап қонунни турмушда татбиқ этишда. Энг билимдон ҳакам - вақт, деганларидек бунинг келгуси вақт кўрсатади. Чунки адвокатнинг ҳуқуқлари ва ваколатларини ифодаловчи қонунларимиз илгари ҳам бор эди. Шунга қарамай, шу кунгача адвокатларни судлар чиқарган ҳукмлари ёки ҳал қилув қарорлари устидан ёзган шикоятларини кўриб чиқиш билан шахсан ким шугулланаётгани сир сақланади. Ҳолбуки, фуқароларни ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ҳақидаги қонунимизга асосан адвокат ҳам бошқа фуқаролар қатори ўз шикоятини ҳал қилиш билан шугулланаётган шахс билан бевосита мулоқотда бўлиш ҳуқуқига эга. Энг жоиз ҳолат судларда адвокатнинг шикоятига паст назар билан қарашлик, деб биланман. Бунга бир мисол. Олиса бормаилдик. Тошкент шаҳар Миробод тумани судининг 1998 йил 13 октябрда чиқарган ҳукми билан Эркин Санақуловни Исомиддин Муҳамедов исмли кимсга нисбатан ашаддий безорилик қилганликда, фарз ният билан унинг паспортини олиб қўйганликда айбдор деб ҳисобланган, Жиноят Кодексининг 227- ва 277-моддаларига асосан 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этган ва суд залидан қамоққа олган.

Эркин Санақулов ноҳақ жиноятчи деб ҳисобланиб, жазолангани суд ҳукмининг ўзида ҳам ўз ифодасини топган. Чунки Жиноят Кодексининг 277-моддасидаги таърифга қўра, жамоат ҳолидаги жамоатни осойишталигини бузишига қаратилган

## ОҚЛОВЧИНИНГ ҚЎЛИ «КАЛТА»

ўтган жанжални биронта одам олисан ҳам эшитган эмас. Шунингдек, Жиноят Кодексининг 227-моддасида ёзилган таърифга қўра, биронинг паспортини фарз ният билан, яъни шахсий манфаат қўриш мақсадида олиб қўйиш жиноят ҳисобланади. Биронинг паспортини безорасиз олиб қўйиш жиноят ҳисобланмайди. Суднинг мана шу чиқарган ҳукми билан Эркин Санақуловни Муҳамедовнинг паспортини олиб қўйишга фарз ният бўлмаган, деб ҳисоблаб, Жиноят Кодексининг 165-моддаси билан оқлагани ҳамда 227-моддаси билан айбоб, жазолаш оқидан-оқиқ алоқасизлик эмасми?

Энди сизга бу ҳодисанинг тафсилотини атай. Эркин Санақулов яшайдиган бино кўп қаватлик, кўп хонадонли уй. Бу уй темир йул вокзалига яқин жойлашгани сабабли дайдилар бемаҳалда кўпроқ айланишадиган жой бўлиб қолган. Уша кезларда шу уйда ўғрилликлар ҳам содир бўлиб турган. Эркин Санақулов билан бир уйда яшовчи кўшнимсиз Володя Коникин фарзанд кўриши муносабати билан 16.06.1998 йилда кечки пайт Эркинни ўз уйига (квартирасига) меҳмонга таклиф қилди. Кеч соат 11<sup>00</sup> дан ошганда ҳовлиларида икки нафар дайдилар пайдо бўлди. Уларнинг олдларига бориб, ҳовлидан чиқариб юбордилар. Кеч соат 12<sup>00</sup> ларда яна икки нафар бегона одамлар (дайдилар) ҳовлида пайдо бўладилар. Уларнинг олдига бориб ким эканиликларини суриштирилганларда «жабрланувчи» Муҳамедов ёнидаги кимсани ўғлим деб атайди ва шу

уйда умуман яшамайдиган кампирнинг уйда ётиб кетиши учун келганликларини айтади. Узини таянчи одам эканини «исботлаб» паспортини кўрсатади. Булар Муҳамедовнинг гаплари ёлгон эканига ишонч ҳосил қилишга, унинг паспортини тегишли идоралар орқали текшириш мақсадида олиб қоладилар, ўзларини итариб-итариб ҳовлидан чиқариб юбордилар. Рўй берган ҳолида шу. Маҳкум Эркин Санақуловни қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз зимматга олган, жиноят иши билан мукамал танишиб чиқдим. Уни оқлаш учун етарли асос бўлган юқори-

### Бизнинг мусохаба

ганимни билмай қолибман. Бу жиноят ишидан умидсизланганим менда йўқ. Жабрланувчи Исомиддин Муҳамедов ҳақиқатан ҳам дайди эканини, муқаддам тўрт мартаба судданлиб қамалиб чиқганини, охири сафар ўз хотинини уриб, дўпсонлаб, бошини қайнаб турган сувга тикиб, баданларига ёниб турган сигарет чўғини босиб-куйдириб азоблагани учун 13.06.1996 йилда чиқарилган суд ҳукми билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилгани ҳақидаги, қамоқдан озод қилингани ҳақида маълумот йўқлиги тўғрисида, ишда далилий ашё ҳисобланган Муҳамедовнинг паспортини 1986 йилда берилган бўлиб, бу паспортни олганидан кейин уч мартаба судлангани, ҳар сафар судланганда 4-5 йилга озодликдан маҳрум этилгани, биринчи судланишдаёқ бу паспорт ёқиб ташланиши лозим бўлгани ҳақидаги ҳужжатларини, шунингдек, Муҳамедов биринчи жазога, иккинчисини ўғлим деб пеш қилган одамлар ҳам таянишга, дайди кишилар эканини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиб, Тошкент шаҳар судининг расми номига назорат тартибда шикоят ёзиб топширдим. Иншоолло, охири бахайр бўлмай. Ҳақиқат этилади, синмайди, деган мақол ҳақ эканини кўрсатади.

Келгусида адвокат фаолиятини нафақат жонлантиришни, балки оёққа дадил турганини қўлаб иш тутуши лозим. Бу мақсад омма ўртасида кенг қўламада турмушнинг ишларини йўлга қўйишни тақозо этади. Адвокатнинг муважжати қонун асосида алоқати ҳал қилган мансабдор шахсни рағбатлантириш, қонунга хилоф равишда адолатсизлик қилганини ҳар бир қилмиши учун жазосиз қолдирмаслик керак. Ана шунда мақсадга эришилади. Чунки «беҳишдан чиққан таёқ - яланг оёқ» деб ота-бобларимиз бежиз айтмаганлар.

Тўғри, қонунчиликни йўлга қўйиш учун аввало турмушнинг ишлари олиб бориш керак. Лекин адвокатлар доимо тушунган, қонунчилик соҳасидан олиб мақсадни ўқиб чиққан одамларга мурожаат қиладилар. Уларга турмушнинг ҳолати йўқ. Президентимиз И.Каримов «қонун ҳимоячи-

## Таҳририятга хат НОУМИД БЎЛМАНГ

Ҳурматли «Инсон ва қонун» таҳририяти! Чорасиз вазиятга тушиб қолганим вақидан Сизга мурожаат этишни ва ўзим дуч келган муаммони ечишда ёрдам сўрашни лозим топдим. Гап шундаки, фуқаро И.Ҳамидов Юнусобод туман судига даъво аризаси билан «мурожаат қилиб, марҳум А.Машиновнинг 216 минг сўм қарзини ўғли Е.Машиновский ва мендан ундириб беришларини сўраган. А.Машиновский эса 1998 йил 20 мартда қамоққа олган.

Марҳумнинг ўғли отасининг қарзи борлиги ҳақида ҳеч нарса эшитман ҳолда мен, бегона одам қайқан билмай. Тилхатда 1998 йил феврал санаси қайд этилган. Марҳумнинг ўғли эса 1997 йил августдан бунён Киевда вақтинча яшаб, ишлаб турибди, у Ўзбекистон фуқароси. У отасини дафн этган, ҳужжатларни 1-нотариал идорасига топшириб, менга ҳужжатларни мерос сифатида олиш учун ишонч қозғоғи ёзиб бериб, Киевга кетди.

Фуқаро И.Ҳамидов дафн чоғида ва ундан сўнг марҳумнинг ўғлига отаси ундан олган 1400 АҚШ доллари миқдоридagi қарз тўғрисида марҳумнинг имзо чеккан ёки чекмагани номаълум тилхатни кўрсатди. Марҳум ичкилик ҳужжатдан азоб чекар ва ўз хатти-ҳаракатини назорат қилолмасди. Унинг ишонч қозғоғи менга тегишин билган фуқаро И.Ҳамидов ва унинг хотини марҳумнинг қарзини тўлашини талаб қилиб, ҳоли-жонинга қўйишмади. Улар ҳатто мени қўқритиб, таъйиқ билан таниш-билишлардан қарз олганим, 85 минг сўмни олишди.

Меросга доир ҳужжатларни олишимга бир ой қолганда улар мени қилириб, қариндошларим ва таниш-билишларимни дўқ-пўписа билан роса обора қилишган. Уларнинг бундай ноҳўя хатти-ҳаракатлари менда марҳумнинг қарзи ҳақиқий эмас, деган шубҳа уйғотди.

Хуллас, шундан кейин воқеалар менга жуда кўп ташвиш келтирди. Меросга доир ҳужжатларни нотариал идорасидан оломай сарсон бўдим. Аввало ҳужжатларнинг асл нусхасини талаб қилишди. Уларни йиғиб олиб борганимда фуқаро И.Ҳамидовнинг аризасига қўра ҳужжатларни бериш тақиқланади, дейишди. Кат-

та нотариуснинг аралашши туфайли бу тақиқ бекор қилиниб, ҳужжатларни олиш мумкин бўлди. 11800 сўм бож тўлашга мажбур этишди.

Меросга доир ҳужжатларни меросхўрга қайта расмийлаштиришга бергач, мутлақо қўтилмаган ташвишларга дуч келдим. Мен И.Ҳамидовнинг даъво аризасига биноан Юнусобод туман суди судьяси Ф.Маҳмудова баёнмасига қўра меросхўр сифатида вақтинча уй ва ҳужжатлардан маҳрум этилганим.

12 октябр кунини даъво аризасини баённоманинг сўраб судга бордим. Даъво аризасида қарз миқдори 216 минг сўм, деб кўрсатилган.

Шундай қилиб, иш судда қўриладиган бўлди. 1998 йил 22 октябрдан 30 ноябргача беш марта суд белгиланганига қарамай, даъвогар бирор марта ҳам судга келмади. ФПК моддаларида кўрсатилишича, фуқаролик ишларини суд ҳукмига тайёрлаш 10 кун муддат ичида амалга оширилиши, граждандлик ишлари эса ариза берилгандан кейин бир ой ичида қўриб чиқишлини кўзда тутилган-ку. Ваҳоланки, орадан икки ярим ой вақт ўтиб кетди...

Мен Юнусобод туман прокуратурасига, шаҳар прокуратурасига ариза билан мурожаат этиб, ўзимга қилинган таъйиқлардан ва мен билан Е.Машиновскийдан марҳумнинг 216 минг сўм миқдордаги қарзини талаб қилаётган И.Ҳамидов даъвосидан, унинг қўлидаги гайриқонуний тилхатда белгиланган 1400 АҚШ долларини ундиришга зўр бераётганидан муҳофазат этишни сўрадим. Адвокатнинг айтишича, шубҳали тилхат билан марҳ-

умнинг ўғлидан қарзини талаб қилишга қонун йўл қўймас экан.

Хуллас, уч марта прокуратурага аризаимнинг натижасини сўраб бордим. Менга жавобни ёзма равишда жўнатилларини айтишди. Бугунги кунгача ҳеч қандай жавоб олганим йўқ.

Мен Украина фуқаросиман, Тошкентда бегона кишиларниқида туриб, чўзилиб кетган бу ишдан ҳам моддий, ҳам маънавий зиён кўрдим. Бир ойда ҳал этилиши лозим бўлган иш атай қўзилганини қандай баҳолаш мумкин? Менинг турмуш ўртоғим милиция майори, 1963 йилда Ўзбекистонда хизмат вазифаси чоғида ҳалок бўлган. Ҳуқуқ посбонининг бева-си була туриб, ҳуқуқ идораларидан алоқат қилириб сарсонман.

Айни пайтда Юнусобод туман судининг 1998 йил 26 декабр қарори билан И.Ҳамидовнинг Е.Машиновский ва менга даъвоси 96.550 сўм, давлат божи 19.950 сўм миқдордаги қониктирилган. Судья қарор чиқариш чоғида И.Ҳамидов таъйиқ ва дўқ-пўписалар билан мендан 85 минг сўм олганини инобатга олмади. Шундай бўлгач, ушбу фуқаролик иши бирқатлама ҳал этилган, демай бўладими? Суд давомида менинг асосли фикрларим инкор этилди.

Оқоридилардан келиб чиқиб, мен дуч келган ушбу муаммони ҳал этишда, шунингдек, И.Ҳамидов томонидан қўриқилган маънавий таъйиқлардан сақланишга ёрдам берсангиз. Дўқ-пўписа билан И.Ҳамидов мендан олган пулни қайтариб олишда қўмақ берсангиз, деб

Валентина НЕХОТИНА.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Ҳурматли Валентина Нехотина! Сиз ўз мактубингизда фуқаро И.Ҳамидовнинг даъво аризасидан кейин қўриб ташвишлар чекканингизни, Юнусобод туман судининг бу ишга пайсалга солиб келганини аниқ саналар, факт ва рақамлар билан батафсил баён этиб-сиз. Биз эгезхоналарни толаштириб қўймаслик учун ай-рим жузвий қисқартиришлар билан хатингизни эълон қила-ямиз. Сиз суд қароридан, судья Ф.Маҳмудованинг бу ишга қўриб қараётган хатти-ҳаракатларидан қониқ-маганисиз, норозисиз. Биз Сизнинг ташвишларингизни ту-шунамиз, бироқ суд қўриб иш юзасидан ҳукм чиқаришга ваколатимиз эмасми. Сизга таъйиқ ўтказган, дўқ-пўписа билан сиздан пул ундирилган устидан шикоят қилишга ҳақлисиз. Қонун сизга шундай ваколат беради. Ва хатин-гиздан қўриқилгани, сиз ана шу ваколатдан фойдаланишга киришсангиз. Ноумид бўлманг. Биз ҳам хатингизни газе-тада эълон қилиш орқали сизга озор бўлса-да, қўмақ берганимизни айтишимиз. Мақсадимиз, ҳар ишда адолат қарор топсин. Ажоб эмаски, мактубингизни газетамга ўқигач, сиз мурожаат этсан, бироқ ҳануз жавоб ололмаган ҳуқуқ идораларидаги мутасадди ходимлар газетамга бир эълик жавоб ёзиб, ўз мулоҳазаларини маълум қиладилар.



Милиция сержанти Шуҳрат Абдулаттопов 1990 йилдан бери Транспорт ички ишлар бошқармасининг Тошкент Жанубий шох бекати ички ишлар бўлимида фаолият кўрсатиб келмоқда.  
**СУРАТДА: (чадан) Ш.Абдулаттопов ўловчилар А.Ҳолиқов ва Н.Дадабоевларнинг ҳужжатларини кўздан кечириётган пайт.**  
**Н. АЛМУРОДОВ олган сурат**

### Ўғлим айбдорми?

Ҳурматли «Инсон ва қонун»! Ҳаётнинг аччиқ-чучуғини татиганларданман. Ёшим 60 да. Турмуш ўртоғим 71 ёшда. 7 фарзанд, йигирмадан ошқ набирамиз бор. Ҳалол меҳмончи туфайли оддий кетмончидан ясли мудираси, хўжа-

лик хотин-қизлар қўмитаси расми вазифаларида хизмат қилдим. Тўрт мартаба вилоят кенгаши депутаты этиб сайландим. Нафақага чиққунча қўшлоқ фуқаролар кенгаши депутати бўлганман. Хуллас... Ҳўлим Муйбулло Ҳамро-

ев 1998 йил 2 октябр кеча-си бригадир Бахтиёр Саидовнинг томорқаси орқали олган Манзуранинг уйига ўтаётганида Бахтиёр Саидов ва унинг божаси қишлоқ фуқаролар йиғини расиен Фаттоҳ Сайфуллаев, маҳалла қўмитаси расиен Босит Бобонозаровлар уни тутиб олишиб уришади ва оёқ-қўлини сим билан боғлаб, гилам ўргисига чиқаришиб,

милицияга топширишади. 1998 йилнинг 3 октябр кунини милицияда жиноий иш кўзга тушади. Бизни хабардор қилмасдан терговни бошлаб юборишади. Ҳўлим айбсиз қамалиб кетадиганга ўхшайди. Ёрдам беринг.

Эрқасой ҲАМРОЕВА, Сурхондорг вилояти, Денов тумани, А. Каримов номида жамоа ҳўжалиги, Даҳана қишлоғи

бу ерда ҳар бир «хари-дор»дан савдолашиб пул оладилар. Пулнинг ярми даллол — уй эгасига, ярми эса...

Ана шундай «висол мас-канларидан» бирини пискентлик аёл С.И. ҳам ўз хонадонда очган эди. Лекин туман ички ишлар бўлими ходимларининг сайт-ҳаракати билан «ишқ савдо-си»ни қизитаётганлар фаолиятига чек қўйилди. Лекин туман ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи нозир, милиция катта сержан-ти Файрат Ҳотамов келтир-ган маълумотлар шуни кўрсатади, бу борда ҳали қилинажак ишлар кўп.

Пискент шаҳрида исти-қомат қиладиган К. ва М. исмли аёлларни танимай-диганлар ҳам бўлса керак. К.нинг вояга етмаган икки фарзанди бор. Энг даҳшат-лиси у норасида фарзанд-лари олдида ҳам «мижоз-лари» билан «олди-берди» қилишдан уялмайди. Яқин-да туман ИИБ томонидан маҳрум этиш тўғрисидаги ҳужжатлар расмийлашти-рилиб, тегишли идоралар-га топширилди.

Н. эса К.га нисбатан ёш, эндигона 25 га тўлаятти. Бу жувондан табиат ўз марҳа-тинин заррача дариг тут-маган. Ҳар қандай эркакни ром эта оладиган сарв қоматли, гўзал аёл. Лекин у кўнгли майлига эрк бериб, пул учун бу гўзалликни, аёл-лик шайини оёқости қил-ди. Яқинда у олмалиқлик «мижозларига» хизмат

ла билан оро берган аёл кўл қўтарди. Машиналарида жой бўлса, сиз албатта тўхтатасиз. Қай манзилга кетаётганини айтгач, ҳозир қаерда яшашини, ҳаёт таш-вишлари қўлиги-ю, эри-нинг «ношуқ»лигини даф-тортиб шикоят қиладилар. Исм-лар айтади. У «бўшаш-ган» эрдан, «эзма» қайно-надан тўйган. Қизлик уйи-га бемаҳалда борса, кекса ота-онаси нима деб ўйла-ши мумкин? Чорасиз қол-ган «шўрлик» аёл охири сиз билан кетишга мажбур.

Ҳозир туманимизда яшовчи 16 нафар аёл ИИБ рўйхатида туралар. Улар би-дан сўхбатлашилди, тушу-нириш ишлари олиб бори-

лапти. Айримларидан жари-ма ундирилиб, маъмурий чоралар қўрилди. Тери-таносил касалликларнинг олдини олиш учун шифо-хоналарга йўлланмалар бе-рилди.

Шу ўринда бир мулоҳа-за. «Ишқ»ни пуллаётганлар жарима тўлади ҳам дейлик. Лекин қанча-қанчалаб ах-лоқсизликларга гувоҳ бўла-ётган норасидалар тарбия-сига ўзларининг ҳозирги қил-мишлари қандай таъсир қилишини наҳот улар ўйлаб қўрмайдилар? Йиллар ўт-гач, фарзандларининг аянчи-қисмати учун «ЖАРИМА» тўлашга бу оналарнинг (шундай аташга лойиқми-кан) қудрати етармикан?

Бузуқ аёлларнинг эрта-ми-кечми тери-таносил касалликларига (туғма захм, сўзак ва ҳоказо) уч-раши, инсон бошига бало бўлган СПИДА мубтало бўлиши эҳтимолдан холи эмас-ку!

АХЛОҚ аввало инсон-нинг ва жаҳиятнинг қиёфасида акс этади. Ти-қилнич автобусларга назар солиб, одамларни бир ку-затинг. Ёшу қари, эркак аёл йиманиб, қиз-жувон-лардан тортиниб турган ёш йигит билан унга ақсинача ҳолатда турган яна бир ўсмирга қаранг-да, хулоса чиқаринг. Ибони йигит ўсаган онла билан ўша опа-си, синглиси қаби бир аёл-қизга ҳирс билан суйкалиши ишти-ёқда атайин тики-линч ҳосил қилаёт-ган, қўзлари беҳаё йигит ўсаган муҳит орасида ер билан осмонча фарқ этганини кўрасиз.


Ахлоқсизлик касалли-клари орқали зуриётлари-мининг ногирон, майиб-мажруҳ туғиллишини, охи-роқибат инсон эотига қирон келишини бугунги тиббиёт фани ҳисоб-китоблари да-дил айтиб турибди. Аллоҳ йимони тўр, покиза ахлоқ-ли, ҳаёли эотларга икки дунё саодатини ваъда бе-ради. Зеро, Мухаммад сал-лолоҳи алайҳи васаллам: «Ҳаё йимондандир, яъни йимон қанчалик кушли бўлса, ҳаё ҳам шунчалик кушли бўлади», деганлар.

**Ақбароли МИНГТАШАРОВ,**  
 Пискент туман ички ишлар бўлими бошлиягининг муовини

Халқимизнинг асрий орауси - мустақиллик қўлга киритилганига ҳам етти йилдан ошди. «Му- тақиллик йиллари, - деб таъкидлаган эди Прези- дентимиз Ислам Кари- мов, - ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни холи- сонга билиб олиш даври- дир. Бу - жаҳон ҳамжа- мияти, тарих олдидаги ва- зифаларни англаб олиш давридир». Ҳақиқатан ҳам миллий истиқлол берган имконият туфайли биз қадимий ўтмишимизни, динимиз, она тилимиз, урф-одатларимиз ва тари- хий анъаналаримизни ас- лидагидек, мафқуравий ақидаларсиз холисона ўрганиш ва ёритиш бах- тига муяссар бўлдик.

Айнан мустақиллик шарофати ила юзага кел- ган асарлар қаторида та- ниқли ҳуқуқшунос олим, профессор Акмал Саи- довнинг «Бурхониддин Марғинович - буюк ҳуқуқшунос» деб номлан- ган рисоласи алоҳида диққатга сазовордир. Ушбу асар ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ис- тиснодлин олимнинг сер- мажуси ижоди ва тиним- сиз илмий излашларининг эркин намунаси.

## АЖДОДЛАР МЕРОСИ — МАЪНАВИЯТ ПОЙДЕВОРИ



А.Х.Саидов  
БУРХОНИДДИН  
МАРҒИНОНИЙ -  
буюк  
ҳуқуқшунос

пировард мақсади қилиб олиши мумкин» деган фикр- лари асарнинг бошидан охиригача асосий диққат марказида туради.

Муаллиф рисоланинг «Истиқлол ва маънавий- ҳуқуқий мерос» деб номлан- ган II қисмида китобхон эътиборини Ўзбекистон ҳудудидаги миллий давлатчи- лик ва сиёсий-ҳуқуқий маънавият тарихига қара- тиш билан бирга Мовара- уннахрнинг ҳуқуқий уйғу- нишини, айниқса, X-XII ас- рларда бу ерда ислом ҳуқуқи- шариат чинакамига ра- внақ топганини таъ- кидлабди ва шариатни адо- латга асосланган ҳуқуқ ти- зими сифатида тавсифлаб, исломий қадриятларни тик- лаш ва кенг қўламда талқин этиб авлодларга таниш- тириш даяр тақозоси экан- лигини уқтиради. Асарнинг «Шариат ва шариат илмла- ри» деб номланган қисмида шариат тушунчаси, талқини, илмлари илмий жиҳатдан муфассал баён қилинади. Албатта, олим мусулмон ҳуқуқи шариатнинг асосий манбалари: Қуръони қарим, сунна, ижмоъ ва қиёс ҳақида ҳам тўхталиб ўти- шни унутмаган.

Ҳиндонийнинг «Ал-Хидоя фи-л-фурув» («Фикҳ соҳа- лари ҳақида хидоя») кито- би жуда қатта шухрат қозон- ган амалий қўланма экани кўрсатиб ўтилади. Муаллиф айнан шу ерда суннийлик- даги тўртта, шиаликдаги

учта ҳуқуқ мазҳаблари ху- сусида сўз юритади ва улар- га қисқача таъриф беради. Мазкур китобда «фикҳ илми - ислом ҳуқуқшунослиги» деб аталган бўлим салмоқ- ли ўрин эгаллагани ҳам бежиз эмас.

Профессор А.Саидов ушбу асарни ёзишда ўз ол- дига қўйган асосий мақса- ди - буюк ҳуқуқшунос олим Бурхониддин Марғинович- нинг Мовароуннаҳр фикҳ мактабида тутган ўрни, фа- олияти ва ижодини атрофли- жа ёритиш вазиасини жуда яхши удалаган. Дарҳақиқат, Мовароуннаҳрнинг машҳур фақиҳларидан бири «Китоб-ал-Хидоя» номли мукамал асар муаллифи Бурхониддин Марғинович ислом оламида мисли қўрилмаган донг таратган. Унинг «Хидоя» асари араб тилидан инглиз, рус ва бо- шқа тилларга таржима қилинган. Лекин минг аф- суслар бўлсинки, ватандо- шимизнинг ушбу асари ҳозиргача ўзбек тилига тар- жима қилинмаган. Шу боис ҳам мазкур китобда «Хидо- я»дан бир қанча парчалар ўзбек тилига ўтирилиб бе- рилганини шубҳасиз муҳим аҳамиятга эришди.

Айни пайтда рисола баъ- зи жузвий камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан, мазкур 175 бетдан иборат каттагина асарнинг бор- йўғи 50 бети буюк ҳуқуқшу- нос - Бурхониддин Марғи- новий фаолиятига бағиш- ланган. Ишда мавзу доира- сидан биров четлашиб кўза ташланади. Бундан ташқа- ри олим Марғиновичнинг бир қанча асарларини сана- б кўрсатади-ю, аммо «Хи-

доя»дан бошқа асарлари тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумотлар бермайди. Бизнингча, ишда «Хидоя» билан бирга Бурхониддин Марғиновичнинг бошқа асарларининг ҳам қисқа- ча мазмуну ёритиб берил- ганда айни мuddао бўлур эди. Яна шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, асарда «уммавийлар» деган ибора ўрнига «умавийлар» дейилса тўғрироқ бўлар- ди. Чунки «уммавийлар» ибораси «умма», яъни му- сулмонлар жамоасига мансублигини англатиши мумкин. Зеро, «умавий- лар» деган ибора умавий- лар сулоласининг асосчи- си Муавийнинг номидан олинган.

Лекин юқорида кўрсати- б ўтилган камчиликлар асарнинг илмий, амалий аҳамиятини муздақо пай- сайтирмайди. Ушбу рисо-



Нима қилай, ҳеч ухламаяпти...

ла ҳозирги куннинг жуда долзарб ва асосий мавзу- ларидан бирига бағиш- ланганини ҳамда бу соҳа- даги дастлабки йирик ишлардан бўлганини учун ҳам алоҳида таҳсин- га лойиқдир.

**Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,**  
Тошкент Давлат  
юрдик  
институтини катта  
ўқитувчиси

## Yonimizdagi odam «ҲАЁТДАН МАЪНО ИЗЛАШ — КАТТА БАХТ»

Пахтачи туман ИИБ бош- лиги, милиция подполковни- ги Аҳтам Яхёвга ибратли, фидойи милиция ходими ҳақида ёзмоқчиман, десам ҳеч иккиланмай:

- Бахтиёр Сатторов ном- зодини тавсия этаман, - деди. - Маданиятли, билимли. Топшириққа масъулият билан ёндашади. Айтгандай, отаси ҳам милициядан на- фақага чиққан. Зўр одам. Номзод билан суҳбатла- шаман.

- Яхшиси отам билан гап- лаша қолдинг. Мен ҳақимда ҳали биров эртаёв, - деди Бахтиёр камтарлик билан.

- Майли, - дейман. Олим

акани бобо дейишга тилим бормайди. Жуда ёш кўрина- ди. Очиқ кўнгил, самимий, ис- тараси иссиқ. Салом-алиқла- ноқ суҳбатимиз қизиқ кетди. Етмишга яқинлашиб қолган кишининг тетиклиги, чаққон- лиги, энг муҳими, гайрати жўшиб турганини кўриб ҳавас- сим келди.

- Ҳозиргача спортни қанда қилмайман, - дейди Олим ака. - Меҳнатдан қочмайман. Бо- лалигим оғир ўтгани учунми, хушчақчақ яшашни, одамлар- га яхшилик қилишни хоҳлай- ман. Бардамлигимнинг саба- бини шундан деб биламан.

Маълум бўлишича, Олим Сатторов тўққиз ёшда отадан, бир йил ўтгач, ондан жудо бўлган. Амакиси бағри кенг инсон - Саид ака тарбиясида қолган. Шу орада уруш бош- ланиб, ягона суяниқидан ҳам ажралди. Ҳақиб бўлган амма- си Саҳоб ая қучоғига олди.

- Жаннати аёл эдилар ам- мам, - эслайди Олим ака. - Таъзим қилгим келди бундай оналарга! Ўз фарзандига тар- бия беролмаган айрим хотин- ларни кўрсам, ўртаниб кета- ман. Айниқса, тижорат орти- дан қувиб, бозорма-бозор юр- ган, уйда болалари қаровисиз қолган аёлларга ачинаман. Ота-ку кўча одами, эрталаб ишга кетиб, кечқурун келар. Бундай аёллар буга тарбияси билан қанон шуғулланмади? Ахир, ҳар қандай жиноят тар- биянинг йўқлигидан, маъна- вийнинг инқирозидан келиб чиқмайдими?!

Ҳарбий хизматдан сўнг О.Сатторов шоёрлигини тан- ладди. Фидойи шоёрлар кам эканини, ишқилиб тезда эл оғизга тушди. Кўп ўтмай уни

туман ички ишлар бўлими- нинг автомобил нazorати нозирлигига таъкиф этишди. Иккиланмай рози бўлди. Чунки ўша пайтда баъзи қоидабазар ҳамкасбларнинг хатти-ҳаракатини кўрса чи- лдаб туролмасди. Уларга тан- беҳ берарди.

Унга «Тошкент-Зараф- шон» трактининг Мирбозор- дан Навоий туманигача бўлган қарийб 50 километр йўлда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни топши- ришди. Хизматини тўртинчи ойида барча ходимларга ашаддий ўғри қочганлиги ҳақида хабар қилинди. Олим ака хушёрлиги туфайли ўғрини ўша кўни тутиб қолишга муваффақ бўлди.

Олим ака Пахтачи, Нар- пай туманлари ДАН бўли- мларида узоқ йиллар фаолият кўрсатди. Ўз касбини улуг- лаб, қадр топди. Розия опа билан бирга саккиз фарзан- дини тарбиялаб, вога етказди. Фарзандларидан кўнгли тўқ, Бахтиёр ота изидан бор- ди. Милиция капитани.

- Мустақиллик ҳуқуқий жамият барпо этиш имко- ниятини бермоқда, - дейди О.Сатторов. - Эркин, озо- д мамлакат фарзандлари ўз ҳуқуқ ва бурчларини қанча- лик чуқур билсалар, юрти- миз шунчалар обод, ҳаётимиз фаровон кечали. Қонун бузилишлари, жиноятчилик камаяди. Ҳар бир одам ҳаёт- дан маъно излаб яшаш кат- та бахт эканлигини сезсин, шу туйғун фарзандларига сингирсин.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Самарқанд вилояти

## Gazetxon ilhomii

«ЮНЕСКО» тап олди бу сўзнинг кучини. Улуғ зот юртига қайтган маҳалда Кўшиғу шоҳлиқка тўлди бу очу.

«Опер группа»нинг найранги ёки ИИБ катта тезкор ходим содир этган жиноят



Марҳабо, гурурим Соҳибқироним, Шавкатим, сурурим Соҳибқироним.

**СОҲИБҚИРОНИМ**  
Аршад Оллоҳ мўмин бандага кўрғон, Темуру ҳақ сўзидан мунаввар жаҳон. Етти иқлим аро қарамим уммон - Адолат бор жойда ранг бўлмас сомон.

**АДОЛАТЛИ ҚўЛААР**  
Адолат йўлида қилч ва қалқон  
Йўналис тоғлар ҳам бўлайди талқон.  
Адолат истабон бирлашса элар,  
Дунё обод бўлиб, ишнайди жаҳон.

Дунё таъзимдадир адолат учун «ЮНЕСКО» тап олди бу сўзнинг кучини. Улуғ зот юртига қайтган маҳалда Кўшиғу шоҳлиқка тўлди бу очу.

Донлар тилмида доим шу ҳикмат: Эзгулик ҳаммиш олимдан қиммат. Яхшилик пойидор бўлган замнат, Ёмонлик йўқолиб, қолмағай иллат.

Ҳар ишда одил бўл, гулайди қўлар  
Кучоғин кенг очиб, қорлайди йўлар.  
Кимники дунёда уйқоқдир руҳи,  
Ул зотни ҳаммиш адолат қўлар.

## Ҳикматулла ГАНИБОВ

«Опер группа»нинг найранги ёки ИИБ катта тезкор ходим содир этган жиноят

**«Осон эрмас бу майдон ичра турмоқ»**  
ёхуд яна темир йўл муаммолари хусусида

**ЎФИЛ КўРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?**

Одамлар бўлажак фарзандининг жинсини олдиндан танламоқ учун илмий усулларнинг ран- го-ранг, содда ва му- раккаб турларига му- рожаат қилишдади. Мана, ўша мураккаб илмий асосга эга бўлган усу- лардан бири.

Чикагодаги Дюко до- рилфуунининг профес- сори, америкалик олим

Кеннет Глендер тадқиқот- ни олиб борш учун овғ- атланишнинг икки хил тар- тибини танлади. Ҳомила- дор бўлиш арафасида она- лар бир ой давомида тар- тибга қатъий амал қилди- лар. Ўғил туғилиши учун таркибиде калий моддаси кўп бўлган кўзиқорин, шпинат, бананлар, хурмо, каштанлар истеъмол қилиш тавсия қилинди.

## Қонун ва ижро БИЗ — ТАБИАТ ФАРЗАНДИМИЗ

Табиат бойликларини муҳо- фаза қилиш жамиятимизнинг энг долзарб вазифаларидан би- ридир. Инсон ва табиат ўрта- сидаги муносабатлар уйғун му- возанатда ривожланишини, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, фуқароларнинг кулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини қароғатлаш мақса- дига 1992 йил 9 декабрда Ўзбеки- стон Республикасининг «Та- биатни муҳофаза қилиш тўғри- сида»ги қонунни қабул қилин- ди.

Қонуннинг 3-моддасида ин- сон саломатлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш, ҳай- вонот дунёсини ва маданий ме- росини асраб қолиш ҳақида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Қонун ижроси билан қонундир. Шу мақсадда биз



бўлмақдаки, автомобилларнинг яримдан кўпроғи меъёридан юқори захарли газ чиқариб, ҳавонини ифлослантarmoқда. Бу- лар таъсирида 200 хилдан ошмироқ зарари огулар бор. Бу захарли газлар йўл ёқала- ридаги дов-даракларнинг бар- гларига сурилиб, ҳазон барглар- ини қуйдиришда чиққандин тугундан ҳар хил тери касал- ликлари ва рақ касалликлари келиб чиқши олимлар томи- ндан аниқланган. Шу сабаб- дан ҳам ҳазон барглари куй- дирмасдан ерга озуқа сифати- да қўшиб юбориш тавсия қили- нади.

Юқорида қайд қилинган камчиликлар ва қонун бузи- лишларининг олдини олишда ҳамда тезда бартараф қилиш чораларини кўришда жойлар- даги қишлоқ фуқаролари йи- гинилари томонидан ҳам амал- лий ишлар қилинаса, ишимиз- да анча сиқилар булар эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-модда- сида «Фуқаролар атроф таби- й муҳитга эҳтиёткорона му- носабатда бўлишга мажбурдир- лар» деб таъкидланган. Табиат бизнинг умумий уйимиз, уни асраб-авайлаш ҳар бир инсон- нинг виждон бурчи бўлиб қолиши даркор.

**Зайни САИДОВ,**  
Пошқу туман табиати  
муҳофаза қилиш  
инспекцияси давлат нозир



**МУАССИС:**  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**Бош муҳаррир**  
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**  
Сафар НАЗАРОВ  
Парахат АЙТНЇЕЗОВ  
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ  
Шавкатжон МАВЛОНОВ  
Незмат АМИНОВ  
Абдил ТўХТАШЕВ

**ТАҲРИР ХАЙЪАТИ**  
Сирождин РАУПОВ  
(Бош муҳаррир уринбосари)  
Салима ҚИЛИЧЕВА  
Зайниддин ИСЛОМОВ  
Ҳамза ЗОКИРОВ  
Миршохид МИРҲАМИДОВ  
Нормейли НОРҲУЛАТОВ

**Индекс: 646882**  
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичида, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмадонасида босилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-048. Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навтбачи:  
**О.ХУДОЙБЕРДИЕВ**  
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:  
**Ж.ТОҒАЕВ**  
терувчи:  
**М.ДЎСТОВА**

МАНЗИЛИМИЗ:700047  
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Телефон, факс:  
133-24-41  
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.